

ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ВА ИМЛОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА МУНОСАБАТ



Тўлқин Маманазарович ТОҒАЕВ

Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
tm-togay@mail.ru

Аннотация

Бугунги кунда жорий имлони такомиллаштириш, “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”ни тузатиш ва унга қўшимчалар киритиш долзарб масала бўлиб турибди. Негаки, ўзбек тилида айрим сўзларни, хусусан, рус ва европа тилларидан айрим ўзлашмаларни қандай ёзиш имло қоидаларидан четда қолган. Бу ҳол нашр этилаётган имло луғатларида уларни турлича берилишига ва ёзув амалиётида ҳархилликка сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида қўйилган вазифалар қаторида “ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукаммал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш” кабилар ҳам белгиланганки, уларни амалга ошириш имлодаги камчиликларини ҳал қилишни талаб қилади.

Annotation

Today improvement of current orthography, adding correction and supplements to “Main spelling rules of the Uzbek language” is a vital issue. Because writing rules of some words, particularly, taken from Russian and English are not illustrated here. This condition is causing different written forms of words in published spelling dictionaries and dissimilar usage in practice. Along with the set of tasks in the presidential decree “On establishment of Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navo’i” other responsibilities such as “preparing evidence-based proposals for the creation of a new academic and teaching grammar that fully meet the peculiarities of the Uzbek language, to improve the phonetic system and the rules of spelling, the publication of dictionaries, and textbooks on various subjects and areas” are presented. Consequently, implementation of these tasks is requiring to solve problems of spelling.

Аннотация

Сегодня совершенствование действующей орфографии, добавления, исправления и дополнения к “Основным правилам орфографии узбекского языка” является жизненно важным вопросом. Потому что правила написания некоторых слов, в частности взятых из русского и английского языков, не показаны здесь. Это состояние вызывает различные письменные формы слова в опубликованных орфографических словарях и разнородное использование их на практике. Вместе с перечнем задач в Указе Президента “О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” намечается решение таких проблем, как “подготовка научно обоснованных предложений по созданию новой научной и научно-педагогической грамматики, которые полностью соответствовали бы особенностям узбекского языка, совершенствование фонетической системы и правил правописания, издание словарей и

учебников по различным предметам и направлениям”. Реализация этих задач требует ирешения проблемы правописания.

Калит сўзлар: ўзбек тили, алифбо, имло қоидалари, лотин ёзуви, кирилл алифбоси, товуш, ҳарф, белги, саводхонлик, имло луғати, таълим, ёзув ўзгариши, лойиҳа.

Keywords: Uzbek language, alphabet, rules of spelling, Latin writing, Cyrillic alphabet, phonetic sound, letter, punctuation mark, literacy, spelling dictionary, education, change of writing, project.

Ключевые слова: узбекский язык, алфавит, правила правописания, латиница, кириллица, звук, буква, знак препинания, грамотность, правописание, словарь, образование, изменение написания проекта.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғриси”даги Фармонида кўпгина вазифалар қаторида “...ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш” ҳам алоҳида таъкидланган [1]. Ўзбек тили жорий (лотин) алифбоси ва имлосини такомиллаштириш масаласи 2016 йилнинг 1 декабридан бошлаб муҳокама этилаётганига гувоҳмиз. Хусусан, шу пайтдан бошлаб “Фармонда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун дастлабки кунлардаёқ профессор Н.Маҳмудов раҳбарлигида университет ҳузурида Республикамиздаги таниқли тилшунос-олимлардан, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, Халқ таълими вазирлиги қошидаги таълим маркази ходимларидан иборат “Ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ” тузилгани маълум қилинди.

Бу ва кейинги ишлар ҳақида ишчи гуруҳ аъзоси – филология фанлари доктори Саодат Муҳамедова томонидан ижтимоий тармоқда муттасил хабар бериб келинмоқда. Яқинда киши ишчи гуруҳининг таркибини, “Ўзбек тили алифбоси ва жорий имло қоидаларини такомиллаштириш концепцияси”ни ҳам интернет саҳифаларида эълон қилди (2016.10.03) Умуман, ушбу масала кўзгалгандан бери ишчи гуруҳи аъзолари ташаббуси билан “Facebook” ижтимоий тармоғида ташкил қилинган “Ўзбек тили жонкуярлари гуруҳи” саҳифалари алифбо ва имлонинг муҳокама майдонига айланди. Бу жойда республика филолог профессор-ўқитувчиларидан тортиб, бунга бефарқ бўлмаган турли соҳа, турли савия ва ёшдаги кишиларнинг қизгин иштирокини кузатиш мумкин. Гарчи бу масала фақат ижтимоий тармоқларда муҳокама этилаётган, республика ОАВга кўчмаган ва кенг омма муҳокамасига ташланмаган бўлса-да (бир-икки мажлис ва баъзи нашрларни ҳисобга олмаганда), шунинг ўзи жорий алифбо ва имлони такомиллаштиришга бўлган жиддий уринишдан дарак беради.

Биз ҳам ишчи гуруҳнинг иккинчи мажлисида (2016 йил 14 декабрь) иштирок этиб, бу масала бўйича ўз қарашларимизни ўртоқлашдик. Шунингдек, юқорида кўрсатган интернет манзилида масала доирасида илгари сурилган қарашлар, лойиҳаларга, ўртага тушган фикр-мулоҳаза, таклиф ва истакларга ўз муносабатимизни билдирдик (2017 йил 6-январь).

Қуйида ўзбек янги алифбоси ва имлосини такомиллаштириш масаласи бўйича ўз қарашларимизни баён қиламиз.

Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ ишчи гуруҳининг лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосини такомиллаштириш борасидаги таклифлари лойиҳаси гуруҳ раҳбари, профессор Низомиддин Маҳмудов номидан “Ўзбек тили жонкуярлари” гуруҳи саҳифаларида эълон қилинди (2016 йил 16 декабрь). Унда дастлабки лойиҳа сифатида алифбо сираси қуйидагича бўлиши илгари сурилган:

A a (“а”), B b (“б”), C c (“дж”), D d (“д”), E e (“э”), F f (“ф”), G g (“г”), H h (“х”), I i (“и”), J j (“ж” сирғалувчи), K k (“к”), L l (“л”), M m (“м”), N n (“н”), O o (“о”), P p (“п”), Q q (“қ”), R r (“р”), S s (“с”), T t (“т”), U u (“у”), V v (“в”), X x (“х”), Y y (“й”), Z z (“з”), Ӯ ӱ (ӱ), Ґ ґ (“ғ”), Ӣ ӣ (“ш”), Ӥ ӥ (“ч”), Ӧ ӧ (“нг” бурун товуши).

Ушбу таклифда жорий алифбога қуйидаги ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмоқда:

1) *jo’ja, jo’ra, jon, jahon, tijorat, rivoj* каби сўзларда тил олди жарангли қоришиқ ундошни ифодалаш учун **C c** (“дж”) ҳарфини алифбога олиш;

2) *jurnal, ajdar, garaj, tiraj* каби ўзлашма сўзларда тил олди жарангли сирағлувчи ундошни ифодалаш учун **J j** (“ж”) ҳарфини белгилаш;

3) ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланган **sh, ch, ng** белгиларини биргина ҳарф билан ёзиш. Яъни: **Sh sh** ўрнига **Š š**; **Ch ch** ўрнига **Č č**; **NG ng** ўрнига **Ń ń** ҳарфларини қабул қилиш;

4) ҳарф белгисига эга бўлган **O’o’** ўрнига **Ӯ ӱ**; **G’ g’** ўрнига **Ґ ґ** ҳарфларини олиш.

Таклиф қилинаётган алифбодаги жами ҳарфлар сони 30 та, уларнинг 5 таси кўшимча белгили ҳарфларни ташкил этади. Дунё алифболарининг баъзиларида кўшимча белгили ҳарфлар сони 10 тадан, ҳатто 20 тадан ортиқ учраши қайд этилиб, 5 та кўшимча белгили ҳарф алифбо учун кўп эмаслигига ишора қилинган.

Демак, алифбога 1 та ҳарф (**C c**) киритиш ва 5 та ҳарфни ўзгартириш таклиф қилинмоқда. Лекин ушбу фикр қабул қилиниб, алифбо сирасида ўзгариш амалга ошгудай бўлса, бунинг ортида қанчадан-қанча харажат, меҳнат, машаққат, оворагарчилик келишини тасаввур эта оламизми. Биргина таълим буғинларида шу пайтгача жорий алифбо ва имлода чоп этилган

дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўз олдимизга келтирайлик. Йигирма икки йил давомида нашр этилган турли соҳалардаги китоблар-чи? Буларнинг ҳисобини ким олади?

Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш ҳужжатлари, паспорт, турли диплом ёки ҳуқуқий меросхўрлик, мулкчиликка дахлдор ҳужжатлардаги ёзувларда биргина ҳарф мос келмаслик туфайли пайдо бўладиган ғалваларни, инсонларнинг сарсонгарчилигини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Таълим нуқтаи назардан қараганда, *jo 'ja, jo 'ra, jon, jahon, tijorat, rivoj* каби сўзлардаги ундошни (“дж” ни) ифодалаш учун **С с** (“дж”) ҳарфини киритиш ўзини оқламайди. Чунки жорий алифбода ушбу сўзлардаги қоришиш ундошни **Ж ж** (“ж”) ҳарфи билан ёзиб келишга ўрганиб, бунга кўникма қатъийлашиб улгурганда, дабдурусдан бошқа ҳарфга ўтиб кетиш, аксинча, чалкашлик келтириб чиқаради.

Масаланинг таълимий, иқтисодий томонидан ташқари маънавий жиҳати ҳам бор. Жаҳонда ўзбек халқи каби ёзувини энг кўп ўзгартирган, ислоҳ қилган бошқа халқни топиш қийин. Дунёда аҳли назарида бу масалада бетайинроқ, бебурдроқ кўриниб қолмаяпмизми? Чунки:

алифбони алмаштириш -1928, 1940, 1993 йилларда – 65 йил ичида ўзбек алифбоси 3 марта бошқасига ўзгартирилди;

алифбо ва имло ислоҳоти – 1921, 1922, 1923, 1934, 1995 йилларда – 67 йил ичида 5 марта тузатилди. Яна ислоҳ қилинса, бу олтинчиси бўлади.

Инглизларнинг ёзувига қарасак, бир сўздаги нутқ товушлари ва уларни ифодалайдиган ҳарфлар кўпинча бир-бирига мос келмайди, яъни неча замондан буён бир нарсани ёзиб, бошқа нарсани талаффуз қиладилар, лекин бу уларнинг ёзувларини тўғри юритиш ва саводхонлигига ҳеч тўсик бўлаётгани йўқ.

Сирасини айтганда, бизда жорий алифбони ўзгартиришга ҳеч қандай эҳтиёж, ҳожат йўқ. Дунёдаги бирор халқ учун қабул қилинган алифболарнинг ҳеч қайси шу тил эгасининг нутқ товушларини ўзида юз фоиз акс эттирмайди, яъни мукамал бўлмайди. Бизнинг алифбо ҳам бундан холи эмас. Тўғри, айрим нутқ товушларимизга ҳарф белгиланмаган: *dong', vang'illadi, dang'illama* сўзларидаги *ng'* бурун товуши учун алифбода ҳарф йўқ. Биз *jo 'ja* ва *jurnal* сўзлари бошидаги талаффузи сал турлича ундошлар учун битта ҳарфдан фойдаланамиз. Ҳарф бирикмалари (*sh, ch, ng*) ўрнига битта ҳарф, қўшимча белгили ҳарфлар (*О' о', G'g'*) ўрнига яхлит белгили ҳарфлар бўлгани афзал. Аммо жорий алифбомиз шуларсиз ҳам халқимизнинг таълим-тарбия, саводини чиқариш ва оширишга, умуман, ёзув билан боғлиқ барча юмушларига зарур даражада бемалол яраб турибди. Аксинча, алифбога яна, навбатдаги ўзгартириш киритиш билан келиб чиқадиган муаммолар тараққиётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишчи гуруҳ лойиҳасида жорий имло қоидаларини ўзгартириш, тузатиш ва янгиларини қўшиш таклифи ҳам берилган. “Масалан, *сентябрни sentabr* тарзида, *актёрни aktyor* шаклида ёзиш фонетик-орфографик қонуниятларнинг бузилишидир. Ҳозирга қадар *rejissor, dirijor, budjet, sujet, oktabr* тарзида ёзиб келинаётган русча-байналмилал сўзларни шаклан маълум бир қонуниятга солиш мақсадида *rejissyor, drijyor, byudjet, syujet, oktyabr* каби ёзишни қоидалаштириш жоиз, бундай имло ўқитиш ва ўргатишни осонлаштириши табиий” деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”да айрим сўз ва қўшимчалар ёзилишининг қоидадан четда қолган ҳолатларини қоидалаштириш, яъни унга қўшимча киритиш ғоят зарур. Рус тили орқали кириб келган ва таркибида *ё, я, ю, ц* ҳарфлари бўлган русча ва байналминал баъзи сўзларнинг ёзилиши қоидалаштирилмаганлиги сабабли бугунги кунда айрим сўзлар нашр этилаётган имло луғатларида икки хил берилмоқда: *rejissor – rejissyor, komputer – kompyuter, valuta – valyuta, kostum – kostyum, sentabr – sentyabr, flaga – flyaga* каби. Бу каби сўзларнинг бир хил ёзилишини таъминловчи қоида киритиш зарур. Соҳага алоқадор жамоатчиликнинг кўпчилиги имлода қулайликни эътиборда тутиб, тилимизга ўзлашган русча ва у орқали европача сўзлари таркибидаги *ё, ю, я* ҳарфларини лотин алифбоси асосидаги ўзбек имлосида ҳамма ўринда икки ҳарф: *yo, yu, ya* ҳарфлари билан (яъни: *kostyum, flyaga, oktyabr, rejissyor* ва ш.к.) ёзиш тарафдори экан, буни қабул қилиш тўғри бўлади.

Аммо шунини айтиш керакки, ишчи гуруҳ таклифларида кўрсатилган баъзи фикрларга қўшилиб бўлмайди. Масалан, жорий имло қоидаларидаги 37 қоиданинг 3-бандига қарши чиқилган. Кўрсатилишича, жорий имлода “*bog‘ga* тарзида ёзиш қоидалаштирилган, бошқа ўринларда эса қандай талаффуз қилинса, шундай ёзиш тавсия қилинган, ягона тамойил бузилган”. Аслида, ушбу имло қоидаси жуда тушунарли, тўғри ва мукамал.

Шунингдек, 63-қоидага ҳам эътироз билдирилган. Бу шундай баён қилинади: “Ажратиб ёзиш қоидаларида ҳам айрим баҳсли ўринлар бор. Масалан, *yildan-yilga, ko‘pdan-ko‘p, yangidan-yangi* каби бир сўзга айланиб улгурган бирликларнинг чизиқчасиз ажратиб ёзилиши қоидалаштирилган. Бу каби қоидалар мақсадга мувофиқ эмас, албатта”.

Бу ўринда шундай савол туғилади: юқоридаги каби бирликларни чизиқчасиз ажратиб ёзилиши қоидалаштирилган ва бунга 22 йилдан бери амал қилиниб келаётган экан, кишиларда бу борада ёзув кўникмалари шаклланиб бўлганда, уларни энди бошқа қоидага кўра ёзишга ўтказиш

канчалик ўзини оқлайди ёки бу нима беради? Ҳеч нима! Ортиқча бош оғриғи, оворагарчилик, холос.

Ўзбек лотин алифбосидаги имлода кирилл алифбосидаги **ц** ҳарфини бериш маълум бир муаммолар ва ёзувда ҳар хилликларни келтириб чиқармоқда.

Проф. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси” (Тошкент, 1999) қўлланмасида ўзбек алифбосидаги **ц** ҳарфи ўрнида ўзбек лотин алифбосида қайси ҳарф(лар) ёзилиши шундай тавсия қилинган:

а) сўз охирида, сўз бошида, олд қўшимчадан кейин, ундошдан кейин **s** ҳарфи ёзилади: *кварц* – *kvars*, шприц – *shpris*, целлофан – *sellofan*, цилиндр – *silindr*, антициклон – *antisiklon*, конституция – *konstitutsiya* каби;

б) бошқа ҳолларда унлидан кейин **ts** ёзилади: *глицерин* – *glitsirin* (тўғриси: *glitserin*), *гербицид* – *gerbitsit* (тўғриси: *gerbitsid*), *конституция* – *konstitutsiya* каби” [2].

ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланиб, чоп этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”да (тузувчилар: Э.Бегматов, А.Мирвалиев. Тошкент: “Академнашр”, 2013) бу масала бироз бошқача ҳал қилинган. Э.Бегматов ва А.Мадвалиев юқоридаги тавсиянинг а) қисмидаги “...олд қўшимчадан кейин... **s** ҳарфи ёзилади: *antisiklon*” деб кўрсатилган қоидага ва имло луғатида сўзларнинг шу асосда ёзилишига қўшилмайди. Уларнинг фикрича, “чунки ҳозирги кунда “ҳалқаро терминэлементлар” деб аталувчи ва кўпинча олд қўшимча (префикс) мақомида келувчи **анти -, би-, био-, гео-, де-, моно-, поли-** каби бирликлар, асосан, унли товуш билан тугайди, улардан кейин келадиган ва **ц** ҳарфи билан бошланадиган бирликлар, улар хоҳ мустақил сўз бўлсин, хоҳ аффикс, ўзбек лотин алифбосида **ts** ҳарфлари билан ёзилиши керак бўлади. Сабаби, юқоридаги каби ясама сўзларнинг иккинчи компоненти бошида келадиган **ц** ҳарфи (товуши) энди икки унли ўртасида келмоқда ва бу ҳолат (Ш.Раҳматуллаев кўрсатган) “бошқа ҳолларда унлидан кейин **ts** ёзилади” деган тавсияга мувофиқ келади” деган фикрни билдирадилар [3]. Шундан келиб чиққан ҳолда луғатда бундай сўзларни **ts** билан ёзишни таклиф қилдилар ва ёзадилар: *antitsiklon*, *biotsikl*, *bitsikl*, *bitsilindr*, *geotsentrik* каби.

Бизнингча, бу фикрга ва сўзларнинг бундай ёзилишига қўшилиб бўлмайди. Ҳеч қайси ўзбек бу сўзлардаги **ts** бирикмасини ўзга тил талаффузи билан **ц** тарзида – ягона товуш сифатида айтмайди, балки ёзувда кўрганига мувофиқ (асосан) **t** ни аллоҳида, **s** ни алоҳида ўқишга мажбур бўлади: *antit-sik-lon*, *biot-sikl*, *bit-sikl*, *bit-silindr*, *geot-sentrik* каби. Оқибатда бу каби сўзларнинг ғайритабиий талаффузи ҳосил бўлади. Шундай экан, ўқувчини чалкаштирадиган, сўзларнинг ўзбекча талаффуз меъёрларини бузадиган, тилимиз табиатига ёт бўлган тавсияларни ёқлаб бўлмайди. Бу тавсиялар маҳсули имло луғатларидан жой олгач, мажбурийлик мақомини даъво қиладики, улар туфайли луғат тузувчилари тузатмоқчи бўлган имломиздаги “ҳар хиллик”, аксинча, яна кўпайганини кўрамыз. Шунинг учун Ш.Раҳматуллаевнинг **ц** учун тавсияларини, хусусан, “...олд қўшимчадан

кейин... s ҳарфи ёзилади: *antitsiklon...*” тавсиясини бутунича қоида учун қабул қилиш ва тегишли сўзларни уларга амал қилган ҳолда ёзиш тўғри деб ҳисоблаймиз: *biosikl, bisikl, bisilindr, geosentrik* каби.

Фикримизча, жорий имло қоидаларига баъзи тузатиш ва қўшимча қоидалар киритиш лозим. Масалан:

1. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг «Асос ва қўшимчалар имлоси» қисмидаги 37 қоиданинг 1) банди учун берилган имло қоидаси номукамал чикқан. Шундай қоида ёзилган:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи **-illa** (*chirilla, taqilla*) қўшимчаси сўз таркибида **v** ёки **u** товуши бўлганда **-ulla** айтилади ва шундай ёзилади: *shovulla, lovulla, gurulla* каби [4].

Аммо тилимизда *shov, lov, gur* каби сўзлар билан бир қаторда *viz, vish, vaq, var, vang, vag, vosh* сингари таркибида **v** ундоши бўлган кўплаб тақлид сўзлар ҳам учрайди. Ушбу сўзларни юқоридаги қоидага мувофиқ *vizullamoq, vishullamoq, vaqullamoq* шаклида ёзиб бўлмайди. Албатта, *viz, vish, vaq* сингари тақлид сўзларга феъл ясовчи **-illa** қўшилганда, аслига мувофиқ ёзилади: *vizillamoq, vishillamoq* каби. Шу сабабли ушбу ҳолат учун берилган имло қоидасини қуйидагича тузатиш лозим:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи **-illa** (*chirilla, taqilla*) қўшимчаси сўз таркибида **u** товуши бўлганда ёки сўз **v** товуши билан тугаганда **-ulla** айтилади ва шундай ёзилади: *gurulla, shovulla, lovulla* каби.

2. Имло қоидаларининг 58-моддасида кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилиши, лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилиши кўрсатилган: *aytaver (ayta ber), boroladi (bora oladi), bilarkan (bilar ekan)* каб. Аммо, айтиш керакки, товуш ўзгариши юз берганда, *ekan* тўлиқсиз феълнинг ўзидан олдинги сўзга (мустақил феълга) ҳамиша **-kan** шаклида қўшиб ёзилиши қатъий қоида бўлолмайди. Чунончи, мустақил феъл сўроқ мазмунида келиб, **-di** (ўтган замон феъли) қўшимчаси билан тугаган бўлса, унга **-kan** шаклини қўшиб бўлмайди. Масалан, *qachon ko'rdikan* деб айтиш ҳам, ёзиш ҳам мумкин эмас. Унинг (**-kan**нинг) олдидан бир **y** орттириб, *qachon ko'rdiykan* ёки *qachon ko'rdiykin* шаклида айтиш ва ёзишга мажбур бўламиз ва бу тўғридир. Умуман, *edi, ekan, emish* тўлиқсиз феълларининг мустақил феълга қўшиб ёзилишига оид қоидани тузатиш ва мукамаллаштириш зарур. Ундан олдин **-mi** сўроқ юкламаси келганда (мас., *borormi ekan, bilarmi ekan*) бу сўзнинг талаффузи ўзгариши, яъни унинг таркибидаги **a** унлиси **i** айтилиши учрайди (мумкин): *borormikin, bilarmikin* каби. Фикримизча, мана шундай айтилганича ёзишни ҳам қоидалаштириш зарурати бор (ёзиш қоидалаштирилса, тўғри бўлади). Сабаби уни *borormikin, bilarmikin* тарзида айтиш ва ёзиш билан *borormikan, bilarmikan* тарзида қўллаш орасида муаллифнинг объектга муносабатини фарқлайдиган ҳолат мавжуд.

3. Сўзга икки юклама қатор қўшилишига тўғри келса ва ҳар икки юклама ҳам янги имло қоидасига кўра чизикча билан ажратиб ёзилса (55-қоида), қандай йўл тутиш лозим? Масалан: *Men boraman-ku-ya, siz kelmaysiz-*

da-a? сингари қоида бўйича, *-ku* ва *-ya*, *-da* ва *-a* юкламаларининг ҳар икковини чизикча билан ажратиб ёзган маъқулми ёки биринчи юкламани сўзга қўшиб: *boramanku-ya*, *kelmaysizda-a?* тарзида ёзган дурустми? Бу масалаларда ҳам аниқликка эришиш, қоида белгилаш зарур.

4. Имло қоидасидан четда қолган яна бир ҳолат бор ва бунинг тўғриси қандай ёзилишини имло луғатларида ҳам кўрсатиб бўлмайди. Яъни айрим юкламаларнинг сўзларга қўшилганда, ўзак таркибининг ўзгаришидир. Масалан, сўроқ, таъкид, таажжубни билдирувчи *-a*, *-e*, *-ey* юкламалари *q* ундоши билан тугайдиган сўзларга қўшилганда, бу ундош талаффузда *g'* га, *k* ундоши билан тугайдиган сўзларга қўшилганда *esa*, *k undoshi g* га ўзгаради ва шундай ёзилади: *yo'q+a=yog'-a*, *yoq+e=yog'-e*, *tasadduq+ey=tasaddug'-ey*; *ko'rdik+a=kordig-a*, *ketdik+ey = ketdig-ey* каби.

“*Voy, suzuk ko'zlaringga Otika opang tasaddug'-ey.* (M.Ismoiliiy. Qizlarv daftari. 71-bet)

5. Ёзув амалиётида *ham* (*ҳам*) кўмакчисининг қисқарган шакли ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *biram*, *yosham*, *qariyam*, *bittayam*, *shunaqayam*, *ko'rsayam*, *oldiyam*.

Кўринадики, агар сўз ундош билан тугаган бўлса, *ham* кўмакчисининг биринчи товуши (ҳарфи) тушириб, олдинги сўзга қўшилади: *hecham-da* (*hech ham-da*). *Biram ko'rgim keldi. Yosham o'tib boryapti.* Агар сўз унли билан тугаган бўлса, *ham* кўмакчисининг биринчи товуши ўрнига *y* ҳарфи ёзилади: *ko'rsayam ko'rmaslikka oldi. Shunaqayam bo'ladimi kishi.* Бу ҳолат ҳам имло қоидалари ичида ўз ифодасини топса, яхши бўларди.

Юқорида баён қилинганлардан умумий хулосамиз қуйидагича:

- 1) жорий алифбони ўз ҳолича қолдириш, уни ўзгартирмаслик лозим;
- 2) жорий имло қоидаларидаги баъзи камчиликларни тузатиш керак;
- 3) имло қоидасидан четда қолган ҳолатлар учун имло қоидалари ишлаб чиқиш ва янги алифбога асосланган “Ўзбек тилининг асосий қоидалари”даги (1995 йил 24 август) 82 та қоида ёнига қўшимча киритиш зарур.

Умуман, имло қоидаларидаги бундай ҳодисалар талқинига чуқурроқ ёндашиш, имлонинг айрим масалаларини тадқиқ қилиш ва ўринли таклиф ва тавсияларни инобатга олиш ва имлода акс эттириш ёзув маданиятимизни такомиллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида. 2016 йил 13 май.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Тошкент, 1999.
3. Ўзбек тилининг имло луғати” /тузувчилар: Э.Бегматов, А.Мирвалиев. Тошкент: “Академнашр”, 2013.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш” ҳақидаги 1995 йил 24 августдаги 339-сон қарори.